O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 октябрь сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 206 (2768)

## ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

2001 йил 7 октябрь куни бевосита Ўзбекистон ҳудуди яқинида халқаро террорчилик тизимини йўқ қилиш бўйича кенг кўламли операция бошлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 8-10 октябрь кунларига мўлжалланган Австрия Республикасига ташрифини қолдириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Австрия Республикаси раҳбарияти ушбу қарорни маъқуллади.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини яна бир карра таъкидлайди ва ташриф яқин келажакда амалга ошишига умид билдиради.

**(ЎзА).**

# БУ КУРАШДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ТУРМАЙДИ!

*Халқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёнотидан.**

## БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ: ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, БУНЁДКОРЛИК



## ТЕРРОРЧИЛАР ИНТИЛИШИ: ВАҲШИЙЛИК, ВАЙРОНКОРЛИК, ГИЁҲВАНДЛИК



## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида қўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.**

Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов бошқарди.

Куни кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Афғонистоннинг Кобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ҳамда Ҳирот шаҳарларига ҳаводан зарба берди. Террорчилик тизимини йўқотиш борасида тузилган халқаро коалицияга жаҳоннинг аксарият давлатлари қўшилгани сир эмас. Ўзбекистон бир неча бор террор хуружини ўз бошидан кечирган давлат сифатида халқаро ҳамжамият танлаган бу йўлдан четда тура олмайди.

Брифингда таъкидланганидек, бу зарбалар афғон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки халқаро террорчиликка қарши йўналтирилган ҳарбий тадбирдир. Бу фикрни АҚШ ва етакчи Ғарб давлатлари раҳбарлари қаторида Ўзбекистон Президенти ҳам ўз чиқишларида неча бор таъкидлаган. Ислом Каримов 5 октябрь куни журналистлар билан учрашиб, Афғонистон билан боғлиқ воқеалар юзасидан расмий баёнот эълон қилди ва Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятга муносабатини аниқ-равшан ифодалаб берди.

Лекин куни кеча АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари Афғонистонга ҳаво зарбаси берганидан кейин хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари турли асоссиз миш-мишлар, уйдирмалар тарқата бошлади. Гўё Ўзбекистон—Афғонистон чегарасида катта миқдорда қўшин тўпланаётгани, ҳадемай ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларнинг таги пуч экани кўпчиликка равшан. Ташқи ишлар вазири А.Комилов бу уйдирмаларни қатъиян рад этар экан, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати давлатимиз раҳбарининг баёнотида ўзининг аниқ аксини топганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон аксилтеррор тадбирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига ўз ҳаво кенгликларидан ва ҳарбий аэродромларининг биридан фойдаланишга рухсат берган. АҚШнинг кам сонли ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари бу аэродромдан афғон халқига фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун фойдаланади. Афғонистонга Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланган ҳолда бомбали зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президентимизнинг Баёнотида алоҳида таъкидланган.

Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М. Раҳмонқулов мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегара ҳудудидаги вазият ҳақида ахборот берар экан, «Толибон» ҳаракати Ўзбекистон сарҳадига ўн минг сонли қўшин келтириб қўйгани ҳақидаги хабарлар қуруқ уйдирма эканлигини айтди.

— Айни пайтда Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудида осойишталик ҳукм сурмоқда, — деди М.Раҳмонқулов. — У ерда «Толибон» ҳаракати ҳарбийларининг йирик гуруҳи кузатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳарбий бўлинмалар жойдан жойга кўчирилаётгани йўқ. Ҳарбийларимиз доимий қўналғаларида хушёр турибди. Ортиқча ваҳима кўтаришга ҳеч қандай асос йўқ.

**(ЎзА).**

## ВАТАН УЧУН ҚАЛҚОНМИЗ

Биз — спортчилар узоқ хориждаги мусобақаларда ғалаба қозонганимизда кўнглимиздан шундай ғурур кечади: **«Олис юртда Ватан байроғини кўтардик!»**

Буни эслаётганимнинг сабаби шундаки, дунёни жуда кенг, деб билардик. Аслида бу нисбий тушунча экан. Жаҳоннинг чинакам кенглиги — унинг тинчлиги ва осойишталиги билан экан.

Бугун оламда юз бераётган воқеаларни кузатиб ана шундай қарорга келдим. Миллат ва чегара билмайдиган терроризм деб аталмиш балонинг жирканч башараси анчадан буён тинчлигимизни бузиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу офатни бартараф этиш учун юртимизнинг қанча мард ўғлонлари — тенгдошларимиз қурбон бўлгани нафратимизни янада кучайтирди.

Нафақат мамлакатимизда, жаҳон миқёсида инсониятга кулфат ёғдирган терроризм ниҳоят халқларнинг сабр косасини тўлдирди. Бугун жаҳон ҳамжамияти ўз осойишталигини бузиб келаётган ёвуз кучга қарши бирлашди. Эзгулик йўлидаги курашда етакчи мусулмон мамлакатлари, улар қаторида Ўзбекистонимиз ҳам борлиги адолатлидир.

Президентимиз мазкур воқеалар муносабати билан берган Баёнотида таъкидлаганидек, **«Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?»**

Мамлакатимиз сарҳадларига мана шу таҳдид доимо хавф солиб келганлигини Сариосиё ва Узун воқеалари мисолида ҳам ўзимизга яққол тасаввур этишимиз мумкин. Қачонгача бундай таҳдид давом этади? Қачонгача биз ўзимизнинг хайрли ишларимизни бир четга қўйиб, тажовузкорлар «ўйини»га чалғишимиз керак?

Мен ўйлайманки, жаҳон ҳамжамияти билан бирга терроризмга қақшатгич зарба беришимиз, уни ер юзидан илдизи билан қўпориб ташлашимиз даркор. Ватан учун ўз кўкрагини қалқон қиладиган ҳар бир ўғлон ҳозир шундай азму-қарор билан яшаётганига шубҳа қилмайман.

**Акобир ҚУРБОНОВ,**
**кураш бўйича жаҳон чемпиони, самбо бўйича уч карра Осиё чемпиони.**

*Шарҳловчи нигоҳи*

**Дунё миқёсида терроризмга қарши уруш эълон қилинди. Бу ҳолни, террор деган балои қазони ер юзидан тугатиш тарафдори бўлган катта-кичик давлатларнинг мақсад-маслагини инобатга олсак, тўғри маънода террорга қарши юриш бошланди, дейишимиз мумкин. Ҳозирча терроризм илдизи, унинг ҳомийси, шу пайтгача кўплаб давлатларга бу ёвуз куч келтирган даҳшатлар хусусида тўхталиб, талқин қиладиган бўлсак, шарҳимизнинг асосий йўналишидан чалғиймиз.**

## ЁВУЗЛИККА ЗАРБА

Кечаги якшанба, 7 октябрда АҚШ ҳамда Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистон ҳудудида жойлашган террор ўчоқлари — XXI аср вабоси раҳнамоси Усама бин Лодин лагерлари, терроризмнинг ҳарбий қурол-аслаҳалари мавжудлиги аниқланган нуқталар, «Толибон» қўшинлари жойлашган ҳудудларга қарши ҳужум қилди. Очиғи, дунёни ларзага солган хавфни бартараф этиш учун қилинган мазкур ҳарбий ҳаракат жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборини тортибгина қолмай, балки сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсоннинг тақдири, ҳаёти, келажаги учун муҳим аҳамиятга молик операция деб талқин этилди.

Афғонистон ёки афғон халқи эмас, балки ер шарини террор ҳамласида қолдиришни ният қилган бин Лодин ва унинг ҳамтовоқлари, уларни қўллаб-қувватлаётган, афғон халқини террор гаровида ушлаб, экстремистик ситамлар билан азоб бераётган «Толибон»ларга қарши ҳаво юриши қилинди. Ҳаммамиз биламиз, сентябрнинг ўша «қора сешанба»сидан сўнг АҚШ президенти Жорж Буш Афғонистонда яширинган Усама бин Лодинни АҚШга топшириш масаласида толибларга мурожаат қилди. Чунки АҚШда содир бўлган террорда махсус органлар томонидан Усама бин Лодиннинг қўли борлиги аниқланган эди.

Шу ўринда таъкидламоқчимиз, ўз ғаразли мақсади — ер юзида террор оловини ёқиш учун динлараро ихтилоф уйғотиш, қолаверса, дунёни қоқ иккига бўлиб диний низо, уруш пайдо қилишнинг мана шундай йўлини топишга уринган террор тўдабошиси дунёдаги мусулмонларни чалғитишни ният қилди. Бироқ АҚШ президенти Жорж Буш, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ҳамда кўплаб тараққий топган, қудратли давлатлар раҳбарлари ва сиёсатдонлари бу урушни ҳеч қачон, сираям Ислом динига алоқаси йўқлиги, аксинча терроризмга қарши кураш бошланганини, террорчилар эса диний экстремистик оқимга мансублигини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).

## ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Ўн биринчи сентябрдаги мудҳиш фожеалардан кейин дунёнинг тинчлиги бузилди. Бу кулфат бизнинг ҳам ғазабимизни қўзғади. Чунки биз февраль воқеалари, Сариосиёдаги нотинчликлар ва йўқотишлар мисолида халқаро террорчилик нима эканини жуда яхши биламиз. Бу қора куч бунёдкорликнинг, фаровонликнинг, бир сўз билан айтганда инсонийликнинг, тараққиётнинг душманидир.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятини доимо огоҳликка чақирган. Бу балои офатга қарши биргалашиб курашишга даъват этган. Бугун жаҳон ҳамжамияти якдиллик билан терроризмга қарши курашаётган экан, мен буни табиий ҳол деб биламан. Чунки тараққиётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Терроризмнинг кўпдан-кўп жафоларини ўз бошидан кечирган Ўзбекистон халқлари ҳам бу курашдан четда турмайди. Чунки халқаро терроризмнинг уяси ёнгинамизда, йигирма биринчи аср вабоси қўшни мамлакат ҳудудидан тарқалмоқда. Бу бало-қазони тарқатувчи қора кучлар қаторида кўп-кўп қонлар тўккан Жума Намангоний каби ёвузлар борлиги янада ачинарлидир.

Ўз вақтида илоннинг боши янчилмаса, кейин у ёмон панд бериши мумкин. Террорчилар ҳам илонга ўхшайди, панадан ҳамла қилади.

«Дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душман битта бўлса ҳам кўп» деган нақл бор. Баъзи бировлар: «Бир тўда жангари шундай халқни нима қила оларди?» дейди. Бу — хато фикр. Бундай террорчилар ортида уларни маблағ билан таъминлаётган катта кучлар турганини асло унутмаслик керак!

Ўз вақтида давлатимиз раҳбарининг огоҳ этишига қарамасдан хотиржамликка берилиш оқибатида бугун терроризм янада шафқатсиз хуруж қила бошлади. Шу сабабли бутун дунё бир бўлиб, терроризмни таг-томири билан йўқотиш учун оёққа турди. Бундай шароитда, айниқса, ёвуз душман остонамизда таҳдид солиб, бошимизда бало-қазо бўлиб қурол ўқталиб турган бир пайтда биз ҳам халқаро терроризмга қарши курашаётганлар сафида бўлишимиз табиийдир. Президентимизнинг Баёнотини ўқигач, мана шундай қатъий фикрга келдим. Ўйлайманки, Ўзбекистонимизнинг кексаю ёш зиёлилари шундай фикрдалар.

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун битта аэродром ажратгани, ундаги ҳаво кучлари қидирув-қутқарув ишлари билан машғул бўлишигагина рухсат этилгани, мамлакатимиз ҳудудидан туриб қўшни Афғонистонда жанговар операциялар ўтказилмаслиги мақсадга мувофиқ тадбирдир. Биз давлатимизнинг ўз манфаатлари ва халқаро ҳуқуқ мезонлари доирасидаги бу сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаймиз!

Мен кўплаб урушларда иштирок этган кекса бир зобит сифатида қўлимга қурол олиб, мустақил Ватанимизнинг манфаатлари йўлида ёвузларга қарши курашишга ҳам тайёрман.

**Иброҳим РАҲИМ,**
**уруш ногирони, гвардиячи майор.**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

## ЖАҲОН ҚЎЛЛАМОҚДА



**ЯНГИ ФРОНТ**

**Жорж Буш америка халқига қилган мурожаатида халқаро терроризмга қарши янги фронт очилганлигини эълон қилди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар қилишича, АҚШни халқаро террорчиларга қарши бошлаган йирик амалиётларига ГФР, Австрия, Франция ва Канада каби мамлакат ҳарбийлари ҳам қўшилишга тайёр эканликларини билдирган. Шу билан бирга, ушбу амалиётларни жаҳондаги юзлаб давлатлар, жумладан Ливия, Иордания, Туркия каби араб ва мусулмон мамлакатлари ҳам қўллаб-қувватлашди. Пентагон намояндаси Дональд Рамесфелд «Терроризм устидан ғалаба қозониш — бизнинг бош вазифамиз», дея таъкидлади.**

**AWACS КУРАШГА ШАЙ**

**НАТОнинг юқори мартабали мулозими Ж. Робертсон АҚШга AWACS русумли бешта айғоқчи самолёти берилишини билдирди, деб хабар қилди «Рейтер» ахборот агентлиги. Унда айтилишича, мазкур самолётлар яқин соатлар ичида Америка томон йўл олади ва халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этади.**

**БУШНИНГ ОБРЎЙИ ОШДИ**

**«USA Today» агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Афғонистондаги халқаро террорчиларга қарши ҳарбий амалиётлар бошлаганидан сўнг президент Жорж Бушнинг мамлакатдаги обрўйи ошиб кетган. Айни хусусда ўтказилган сўровномаларда иштирок этган ҳар ўн америкаликнинг 9 нафари Ж. Буш сиёсатини қўллаб-қувватлаган.**



**МЎЛЖАЛ АНИҚ ОЛИНДИ**

**Душанба куни Пентагон раҳбари Д. Рамесфелд 7 октябрдаги АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларининг Афғонистон ҳудудида жойлашган террор ўчоқларига қарши қилинган хужум натижасида террорчиларнинг 30 дан ортиқ ҳарбий объектлари яксон қилинганлигини маълум қилди. Ва, ҳаво кучлари томонидан берилган зарбалар аниқ мўлжалга олинганлигини таъкидлади.**

*Сим орқали мулоқот*

## ТЕРМИЗДА ҲАЁТ ЎЗ МАРОМИДА

***Айрим оммавий ахборот воситаларида АҚШнинг Афғонистон ҳудудидаги ҳаво зарбалари муносабати билан гўё толиблар Ўзбекистон чегараларига таҳдид солаётгани ҳақидаги турли хабарларни тарқатмоқдалар. Биз куни кеча Термиз билан сим орқали боғландик. Сурхондарё вилояти «Нуроний» жамғармаси Кенгаши катта маслаҳатчиси Холмурод ЖЎРАЕВ қуйидагиларни гапириб берди.***

Шу йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон шаҳарларида рўй берган террорчилик ҳаракатлари жаҳон афкор оммасининг қаҳр-ғазабини уйғотиб юборди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами бериш, АҚШга қидирув-қутқарув хизматлари олиб бориш учун транспорт самолёт ва вертолётларига бир аэродромни бериб қўйиш хусусидаги қарори якдиллик билан кутиб олинди.

Куни кеча АҚШ толибларнинг ва террорчиларнинг Афғонистондаги муҳим стратегик нуқталарига зарбалар берди. Бироқ хориждаги айрим журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ваҳима кўтаришига қарамай, Ўзбекистоннинг энг жанубий ҳудудида ҳаёт осойишта ва барқарор. Ҳар бир фуқаро чегараларимиз мустаҳкам эканини гувоҳи бўлиб турибди. Дўконлар, бозорлар, транспорт воситалари ишламоқда. Терминнинг 2500 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари авжида.

# БУ КУРАШДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ТУРМАЙДИ!

**Афғонистонда ин қурган террорчиларга қарши кураш бугунги кунда амалий тус олгани ҳеч кимга сир эмас. Президент Ислом Каримовнинг Баёнотида Ўзбекистон томони бу борада ўзининг очиқ муносабатини билдирди. Хўш, бу жараёнга мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг муносабати қандай? Мухбиримиз ана шу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси етакчиларига мурожаат қилди.**

ТЕЗКОР ИНТЕРВЬЮ

## ҚАСОС – МУҚАРРАР

**Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби:**

— Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан дунёда ва минтақамизда вужудга келган кескин вазият юзасидан билдирган Баёнотида билдирилган йўналишларни давлатимиз, халқимиз туб манфаатлари, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тамомила мос, деб ҳисоблайди ҳамда уларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Терроризмни, унинг дунёнинг қайси бурчагида ва қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, таг-томири билан қўпориб ташлашга интилаётган, шунингдек, террорчи кучларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, уларни ёвуз ниятларни амалга ошириш учун жойларга юбораётган марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилган АҚШнинг иттифоқчилари кўмагида 7 октябрдан эътиборан ўз сиёсий саъйи ҳаракатларини дипломатик ва иқтисодий ўзанлардан ҳарбий йўналишга ўтказганлиги — деярли бир ой мобайнидаги воқеалар ривожининг мантиқий давомидир.

«Қилмиш-қидирмиш», дейди халқимиз. Ёвузлик, разолат ва қабиҳликка қаратилган мудҳиш жараённинг чексиз давом этиши мумкин эмас. Албатта, ғайриинсонийликни — одамларни қийнаш, уларни қўрқув, ваҳимада сақлаш, устига устак, ҳаётдан зўравонлик асосида кўз юмишларига олиб келувчи ҳолатларни содир этувчилар учун, эртами-кечми, барибир, муқаррар тарзда, қонуний хун тўлаш пайти ҳам келади. Ўйлаймизки, биз бугун худди шундай вазиятнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. «Ал-қасосу мин ал-ҳақ» («Қасос — муқаррар»), деб бежиз айтилмаган.

Жонажон Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон халқаро террорчиликнинг нима эканлигини кейинги 2-3 йил ичида бутун вужуди билан ҳис этди. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини XXI аср вабоси номини олган бу мудҳиш иллатни барҳам топтириш ва унга қарши фақат жаҳон миқёсида уюшиб курашиш лозимлигига қаратиб келди.

Афсуски, терроризмга қарши баҳамжиҳат курашиш зарурати ачинарли талофотлар бериш натижасида, бирмунча кечикиброқ, англаб етилди.

Начора: «ҳечидан кечи яхши» деганларидай, гувоҳи бўлиб турганимиздек, бир ойга яқин муддат давомидаги халқаро ҳамкорлик ҳаракатлари терроризмга қарши курашнинг ўта долзарблиги масаласига шундай кескин тус бердики, эндиликда бузғунчи галалар учун «сичқоннинг ини минг танга» бўлиб қолмоқда. АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари томонидан газандаларнинг Афғонистондаги қатор база ва ҳарбий иншоотларига берилган зарбалар халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш амалий паллага кирганлигидан далолат беради. Биз бу курашнинг охиригача олиб борилишига, бутун инсониятнинг ашаддий душмани — халқаро терроризмнинг таг-томири билан йўқ қилиб ташланишига ишонамиз ва тинч аҳолига жиддий зиён етказмаслигига умидвормиз.

Партиямиз ташкилотлари, шу кунларда, республика Президенти Ислом Каримов Баёнотида ифода этилган халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш масаласига оид вазифаларнинг моҳият ҳамда аҳамиятини юртдошларимизга кенг тушунтирмоқдалар, барча фуқароларни Ўзбекистон ҳукумати, Юртбошимиз атрофида янада яқинроқ жипслашишга чақирмоқдалар.

Ҳаёт шуни яққол кўрсатмоқда: жаҳондаги тараққийпарвар давлатларнинг, жамиятнинг оқилона баҳамжиҳатлиги — уларнинг нафақат терроризм каби ярамас иллатдан ишончли ҳимояланишларининг «ўқ ўтмас пўлатдан қопланган зирҳи», балки бундай иллатни келтириб чиқарувчи, уни озиқлантирувчи илдизларни қуритишнинг ҳам энг самарали йўлидир.

Терроризмга қарши кураш йўлида собитқадамлилик билан ҳаракат қилаётган барча эзгу ниятли кишилар, халқлар, давлатларга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

## ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

**Аслиддин БОЛИЕВ, Фидокорлар Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби:**

— Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунё ҳамжамияти бу бало-қазо инсониятга қанчалик даражада таҳдид солиб турганлигини англаб етди. Очиғи, бу касофат кеча ёки бугун бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг шакл-шамойили бу даражада ёмон тус олиб, умумбашарий хавфга айланганлиги унга беэътиборлик билан қаралганлигининг оқибатидир. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида, шунингдек, қатор нуфузли халқаро анжуманларда бу офат инсониятга катта хавф туғдираётганидан дунё жамоатчилигини огоҳ этган эди.

Юртбошимиз халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш билан бирга бу марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қурол-яроғ билан қўллаб-қувватлаётган манбаларга қарши қатъий курашиш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаганди.

Президентимизнинг Баёнотида бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам четда туриши мумкин эмаслиги қайд этилган. Биз бу фикрга тўла қўшилган ҳолда эзгулик тантанаси учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этамиз. Терроризмнинг нима эканлиги, ундан юртимиз қанчалик жафо чекканлигини, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб киришга уринган террорчи гуруҳларнинг қора қилмишларидан қанчадан-қанча бегуноҳ одамларимиз қурбон бўлганлигини халқимиз унута оладими? Асло, йўқ. Масаланинг иккинчи томони — бу халқаро террорчиларнинг айнан бизнинг минтақамизда, ён қўшнимиз бўлган Афғонистонда анчадан буён уя қуриб олганидир. Халқимизда «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Бугун ошкор айтадиган бўлсак, ёнгинамизда террорчиларнинг бундай хавфли макони бўлиши минтақа мамлакатлари, айни чоғда Ўзбекистон тинчлиги ва осойишталигига ҳам таҳдиддир.

Куни кеча АҚШ ва унинг иттифоқчи кучлари Афғонистондаги террорчи гуруҳлар марказларини ҳаво ҳужуми орқали йўқ қилиш бўйича ҳарбий операцияларнинг бошлангани, энг аввало, Америка ҳукуматининг терроризмни таг-томири билан бартараф этиш, халқаро террорчиларни қўллаб-қувватлаётган, уларни қурол-яроғ билан таъминлаётган ёвуз кучларни йўқотишга қаратилган қатъий саъй-ҳаракати деб баҳоланмоғи керак.

Маълумки, АҚШ ушбу масалани сиёсий йўл билан ҳал қилиш бўйича Афғонистондаги «Толибон» гуруҳи раҳбарларига мурожаат қилганди. Лекин рад жавоби бўлгач, терроризмга қарши аёвсиз кураш эълон қилишдан ўзга чора қолмади. Тиббиётда айрим ўсма касалликларнинг бутун организмга тарқаб кетишининг олдини олиш учун уни жарроҳлик йўли ёрдамида таг-томири билан кесиб ташлаш усули қўлланилади. Бундай олиб қарасак, терроризм ҳам шундай иллат сифатида бутун жаҳон миқёсида илдиз отиб бораётган эди. Энди уни илдизи билан йўқотишнинг бирдан-бир йўли дунё ҳамжамиятининг биргаликда унга қарши аёвсиз курашиши бўлиб қолди. Ва энг охири шу йўл танланди. АҚШ ҳукумати террорчи тўдалар уяларини йўқ қилишга қаратилган ҳужумлар, асло Ислом динига ёки бўлмаса Афғонистон халқига қарши қаратилмаганлигини, балки бу бутун дунёда мудҳиш террор машинасини бартараф этиш мақсадида қилинаётганлигини алоҳида таъкидламоқда.

Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти доимо нафақат минтақада, балки дунё миқёсида тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тарафдори бўлиб келган. Дунёдаги барча соғлом кучлар терроризм балоси каби разил оқимга қарши курашаётган, уни таг-томири билан қўпориб ташлашга ҳаракат қилаётган бир пайтда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлиши табиий ҳолдир. Чунки, терроризм бутун инсоният тараққиётига таҳдид бўлиб, унинг олди олинмаса XXI аср вабосига айланиши аниқ.

***«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.***



*Янгиликка интилиш Музрабоддаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси ишчи-хизматчиларига хос.*

*Моҳир ҳайдовчи Тўра Ғуломов бошқарувида бўлган (суратдаги) ушбу машина корхона раҳбарияти ташаббуси билан дон ва шоли ташишга ихтисослаштирилган эди.*

*Мазкур машина ёрдамида бир-йўла 13 тонна шоли ташиш мумкин. Бу эса кунига юз минг сўмдан зиёд сарф-харажатни тежаяпти. Тежалган маблағ эса ишчи-хизматчиларнинг даромадига даромад бўлиб қўшилиши тайин.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Қонун ва ижро*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

### адолатпарвар жамиятнинг муҳим омили

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида самарали ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг**
**11-моддасида Давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилди.**

Республикамизда суд ислоҳотларини амалга ошириш, суд фаолиятини собиқ совет империяси давридан сақланиб қолган айрим идоралар ва мансабдор шахсларга тобелик исканжасидан қутқариш ва уни том маънодаги суд ҳокимияти сифатида шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар судларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини янада оширмоқда. Фуқароларнинг уларга нисбатан ишончини мустаҳкамламоқда, судьяларга одил судловни юритишда муҳим маънавий-ғоявий омил бўлаётир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилиб, бир неча йиллардан буён ишлаб келяпти. Президентимизнинг дастурий йўл-йўриқлари асосида яратилган «Судлар тўғрисида» (1993 йил 2 сентябрдаги) Қонун ва унинг янги таҳрири (2000 йил 14 декабрдаги) суд тизими, вазифалари ва суд ҳокимияти фаолиятининг тамойилларини ўзида мухтасар этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида қайд этилганидек, «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади».

Судлар амалдаги қонунлар доирасида адолатли судловни амалга ошириб келмоқдалар. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексидаги айрим ҳолатлар судловни ҳуқуқий доктрина мезонларига мос ҳолда юритишга тўсиқ бўлиб келаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қонунларимизда мавжуд бўлган бу каби ғализликлар ва номутаносибликларга очиқ-ойдин баҳо берилди. Ҳақиқатан ҳам, Жиноят кодексида шундай ҳолатлар мавжуд эдики, уларни амалиётда қўллашда судьялар анча қийинчиликларга дуч келар эди. Биргина Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «б» бандига кўра ўғирлик уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, яъни уй-жойга кирилиб ўғирланган тўртта товуқ учун ҳам, йигирмата қўй учун ҳам, камида беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши лозим эди.

Олий Мажлис сессиясида Президентимиз И.Каримов бундай ҳолатларга танқидий баҳо бериб, «Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутула олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйилмоқда. Жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузарликни содир этган шахс судларимиз томонидан амалдаги қонунларимизга кўра беш йил ёки ундан ҳам кўп муддатларга озодликдан маҳрум этилади», деди.

Бу, албатта жиноят учун жазонинг адолатсизлигидир. Шу боис ҳам Президентимизнинг топшириғига биноан, шу йилнинг июнь ойида кўплаб ана шундай фактлар мавжудлиги аниқланиб, ишлари судда кўрилгунга қадар қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгартирилди ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазо турларига алмаштирилди. Кечагина маҳбус бўлган шахслар ота-оналари, оила ва фарзандлари, қавму қариндошлари бағрига қайтдилар. Меҳнат жамоаларида ўз фаолиятларини давом эттира бошладилар.

Ишга бундай ёндашув судларнинг одил судловини амалга оширишда Жиноят кодексининг инсонпарварлик тамойилини ҳаётга татбиқ этиш хусусидаги муҳим омил ҳисобланади ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Йўлдош СУЮНОВ,**
**Каттақўрғон тумани Жиноят ишлари бўйича судининг раиси.**

## Билимдонлар АҚШга боради

**Мустақиллигимиз яратган муҳим имкониятлардан бири иқтидорли мактаб ўқувчиларининг жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таҳсил олиб қайтаётганликларидир.**

**Ўтган йиллар мобайнида андижонлик 21 нафар ўқувчи нуфузли АКСЕЛС ташкилоти танловларидан муваффақиятли ўтиб, АҚШда таҳсил олиб қайтдилар.**

**Яқинда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида вилоятнинг 900 га яқин 9-10-синф ўқувчилари АКСЕЛСнинг биринчи тур танловларида иштирок этишди. Танловда ўз билимларини синаган ўқувчилардан 162 нафари иккинчи турга йўлланма олди. Иккинчи тур танловлари ҳам мазкур ташкилот мутахассислари томонидан ўтказилиб, танлов натижалари 6 ҳафтадан сўнг маълум бўлади.**

**Ғолиблар ўқиш учун АҚШга боради.**

## ЁВУЗЛИККА ЗАРБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хуллас, якшанба кечаси АҚШ ва Буюк Британия дастлаб 50 дан зиёд қанотли ракеталар ва бомбалар билан Қобул, Жалолобод, Қандоҳор, Ҳиротдаги терроризм ўчоқларини бомбардимон қилди. Дунё аҳли CNN телеканали орқали бу ҳолни кузатиб турди. Дастлабки хабарда Қобулдаги толиблар мудофаа вазирлиги биноси портлатилгани, Қандоҳордаги Усама бин Лодин лагерлари бехато нишонга олингани, Жалолобод ва Ҳиротдаги АҚШ космик кемаси орқали олинган хавфли нуқталар ҳам вайрон этилгани айтилди. Ўша пайтда араб давлатлари ичида нуфузли саналган Қатар телеканалидан олинган лавҳаларда толибларнинг АҚШ ва Буюк Британия ҳаво кучларига нисбатан қаршилик кўрсатиб, кўкка снаряд учиргани кўриниб турди. Вазият жиддий тус олгани шундан далолат эдики, операция давомидаги янгиликлар дақиқалар сайин ўзгариб, яъни янги-янги тафсилотларга эга бўлиб борди.

Бизнинг мамлакатимиз ҳудудлари мустаҳкамлиги «Итар-ТАСС» мухбири ахбороти орқали ТВ-6 каналидан узатилди. Ўзбекистон Афғонистонда террорнинг тугатилиши афғон халқи терроризм жабридан, экстремистик оқим зулмидан халос бўлиши учун, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами бериш, ўз ҳудудидан АҚШнинг транспорт самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларида фойдаланиш учун учишга рухсат берилганлиги айтиб ўтилди.

Террорга қарши кураш, дунё ҳамжамиятининг ер юзида барча халқларнинг ҳаёт ва келажаги тимсолига айланди. Иордания қироли АҚШда амалга оширилган террорнинг Ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтиб ўтди. Дунё бугун бир ёқадан бош чиқариши лозим.

8 октябрь куни эрталабки соат 5.00 да Қандоҳорга яқин, терроризмга паноҳ бўлиши мумкин объектлар Қундуз ва Шиндант ҳудудлари ҳам нишонга олинди.

Бу ўринда Ўзбекистон ўз амалий йўлига, собит позициясига эгаки, Президентимизнинг Баёнотида айтилганидек, террорнинг жаҳон халқлари қаторида, айниқса, бизнинг халқимизга кўпроқ хавф солиб тургани, халқимиз террорнинг жабр-ситамини кўпроқ тортганини таъкидламоқчимиз. Ушбу Баёнот бугунги кунда ўзбек халқининг, ўзбекистонликларнинг терроризмга қарши курашдаги позициясини белгилайди.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ.**

## ГЕРМАНИЯ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР НИГОҲИДА

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказ ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ҳамкорлигида «Германия ўзбекистонликлар нигоҳида» номли ижтимоий тадқиқот ўтказди.**

Унда иштирок этган республикамиз аҳолиси иқтисодиёт, илмий-техникавий, молия-инвестиция, таълим ва кадрлар тайёрлаш, шунингдек, ахборот алмашиш соҳалари Ўзбекистон — Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг энг сермаҳсул йўналишлари, деб ҳисоблайди. Тадқиқотнинг тақдимот маросимида ишбилармон доиралар, ҳар икки мамлакат жамоатчилик уюшмалари вакиллари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган германиялик дипломатлар иштирок этди.

Тадқиқотга тайёргарлик Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг апрель ойида Германияга қилган расмий ташрифидан сўнг бошланди. «Ижтимой фикр» маркази директори, академик Раъно Убайдуллаеванинг таъкидлашича, сўровдан кўзланган мақсад — республикамиз фуқароларининг Германия, унинг тарихи, маданияти, иқтисодиёти тўғрисидаги билимлари даражасини аниқлашдан иборат эди.

Шунингдек, маросимда иштирок этган Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларидаги лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Винфрид Шнайдер-Детерс германиялик тадқиқотчилар ҳам сўров натижаларидан манфаатдор эканлигини айтди. Чунки, ташқи савдо айланмаси ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда турган Германия Марказий Осиё бозорига кириш ва Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамда ижтимоий-гуманитар муносабатларни ривожлантиришга қизиқиш билдирмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ўзбекистонликлар Германияни дунёнинг иқтисодиёти барқарор ва маданияти юксак мамлакатларидан бири, деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар нафақат давлатлараро алоқалар, балки, корхоналар, ўқув юртлари, жамоатчилик уюшмалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш зарур, деган фикрда. Сўров фуқароларимизнинг Германия ҳақида, унинг шаҳарлари, тарихий шахслари, иқтисодий ютуқлари ҳақида яхши хабардор эканлигини аниқлади. Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари катта.

Тақдимот маросимида иштирок этган Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўров натижалари Германия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги истиқболларини кенгайтириши, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беришини қайд этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ёш оналар танлови

**«Экосан» халқаро жамғармаси Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳрида «Ёш оналар» республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.**

**— Танловни ўтказишдан мақсад оилада она соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига эътиборни қаратиш уларнинг экологик манфаатларини таъминлаш, келажак авлодга соғлом экологик муҳитни мерос қолдириш, — деди «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов.**

**Танловнинг вилоят босқичида биринчи ўрин олмалиқлик Дилафрўз Холбоевага насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни зангиоталик Дилрабо Бердиқулова ҳамда ангренлик Муниса Манноповалар эгаллашди.**

**Ғолибларга «Экосан» совринлари топширилди. Ноябрь ойида бўладиган «Ёш оналар» республика кўрик-танловининг якуний босқичига республикамизнинг барча вилоятларидан танлаб олинган ғолиблар ўз билимлари ва оналик санъатларини намойиш этишади.**

**«Туркистон-пресс».**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 9 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 217,51 | 1 Миср фунти | 100,99 | 1 СДР | 552,60 |
| 1 Австрия шиллинги | 28,65 | 10 Испания песети | 23,70 | 1000 Туркия лираси | 0,27 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 635,63 | 100 Италия лираси | 20,36 | 1 Финляндия маркаси | 66,31 |
| 10 Бельгия франки | 97,73 | 1 Канада доллари | 274,80 | 1 Франция франки | 60,10 |
| 1 Голландия гульдени | 178,90 | 1 Хитой юани | 51,85 | 1 Швейцария франки | 266,33 |
| 10 Греция драхмаси | 11,58 | 10 Люксембург франки | 97,73 | 1 ЕВРО | 394,25 |
| 1 Дания кронаси | 53,06 | 1 Малайзия ринггити | 112,96 | 10 Жанубий Корея вони | 3,27 |
| 1 БАА дирҳами | 116,86 | 1 Германия маркаси | 201,58 | 10 Япония иенаси | 35,81 |
| 1 АҚШ доллари | 429,19 | 1 Польша злотийси | 103,42 | 1 Россия рубли | 14,54 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 80,58 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Мутахассис муаммо қўяди*

# ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

## ёки тупроқшунослик бўйича кадрлар тайёрлаш тўғрисида

**Ҳар бир мамлакатнинг ери, тупроғи шу мамлакатда яшовчи халқнинг бебаҳо бойлигидир. Ери, тупроғи унумдор бўлган халқ бой яшайди ва унинг баракасидан ҳатто узоқ-яқин қўшни халқлар ҳам баҳра кўради. Аксинча, ер, тупроқ унумдорлиги қадрланмаса, ер исроф қилинса, тупроққа зарар етса — турмушдаги касод шундан бошланади.**

**Атоқли тупроқшунос олим, академик Жўрақул Сатторов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.**

**— Жўрақул Сатторович, сиз тупроқшунос олимсиз. Ватанимиз эса, энг аввало, аграр мамлакат. Демак, суҳбатимиз ҳам шу мамлакатнинг ери, тупроғи ҳақида бўлади.**

— Чиндан ҳам, қишлоқ хўжалиги, ердан олинадиган бойлик — Ватанимиз иқтисодий ривожланишида салмоқли ўрин тутади. Рақамлар тили билан айтсак, 60 фоиздан кўпроқ иқтисодий бойлик қишлоқ хўжалигидан келади. Шундай экан, ердан фойдаланишнинг самарадорлигини йилдан-йилга ошириб бориш ва бунга эътиборни янада кучайтириш зарурияти олдимизда кўндаланг турибди.

Тупроқ — ўсимлик учун асосий муҳит. Ўсимликнинг соғломлиги ва ҳосилдорлиги, улардан олинадиган ҳосил баракали бўлиши учун шу «асосий муҳит»ни — тупроқнинг унумдорлигини ошириб бориш, экин ерларини исроф ва ифлос этмаслигимиз шарт. Бу — оддий ҳақиқат ва ҳақиқатни инкор этишнинг оқибатлари хунук тугайди.

Тупроқда ўсимликлар учун барча шароитлар етарли даражада бўлсагина ҳосил кутилган даражада олинади ва, аксинча, тупроқ таркиби камбағаллаштирилса, янада хавфлироғи, тупроққа зарар етказилса, бунинг жазосини ҳам одамларнинг ўзи бошдан кечиради.

Тупроқда ўсимлик учун зарур шароит, бу — озуқа моддалар, сув, ҳаво ва иссиқлик. Шу шароитларни оптималлаштириш учун тупроққа ишлов, сув, маҳаллий ва маъданли ўғитлар берилади, ёввойи ўсимликларга қарши — гербицидлар, ҳашоратларга қарши — пестицидлар, шунингдек, ингибиторлар, дефолиантлар, десикантлар ва ҳоказо шуларга ўхшаш агротехник воситалар қўлланилади. Бу агротехника тадбирлари тупроққа доимо таъсир кўрсатади ва тупроқдаги жараёнларни у ёки бу томонга ўзгартиради. Борди-ю, юқоридаги агротехника тадбирлари нотўғри, ўйламасдан қўлланилса ёки ўз вақтида қўлланилмаса, тупроқдаги ўзгаришлар салбий томонга оғиб кетади. Масалан, тупроқнинг ҳайдалма қатлами ости қотиб қолиши, тупроқ шўрланиши, сизот сувлари кўтарилиб ботқоқ ҳосил бўлиши, тупроқнинг эрозияга учраши, ифлосланиши, шунингдек, тупроқда ҳаво, тўйинтирувчи моддалар камайиши, озуқа унсурлари ўртасидаги нисбат бузилиши, тупроқда микроорганизмлар таркиби, уларнинг фаолияти ёмонлашуви мумкин. Агротехника, энг аввало, тупроқ унумдорлигини ошириб бориши керак.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин Президентимиз ташаббуси билан тупроққа эътибор кучайди. Республика ер ресурслари, уларнинг кадастри, улардан фойдаланиш, улардаги ўзгаришларни назорат қилиш каби ишларни изчил амалга ошириб бориш учун Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг вилоятларда бошқармалари ва туманларда бўлимлари ташкил қилинди. Қисқа вақт ичида қўмита раҳбарлигида республикада суғориладиган ва лалмикор ерлар кадастри амалга оширилди, яъни йирик миқёсда хўжаликларнинг тупроқ хариталари, тупроқнинг сифат баҳоси хариталари тузилди, ернинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолати аниқ белгиланди.

Энди биз ҳозирги жамият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, катта маблағ, меҳнат эвазига яратилган қимматли ҳужжатларни жавонларда чанг босиб ётишига йўл қўя олмаймиз. Тупроқлар ҳолатини қаттиқ назорат остига олиш ва қўлланилаётган агротехнологиялар замин унумдорлигини йилдан-йилга ошириб боришини таъминлаш лозим.

**— Бунинг учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Бунинг учун, энг аввало, ер-тупроқ билан ишлайдиган олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ишлайдиган жойлари ҳамда лавозимлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда республикамизда ер-тупроқ билан ишлаш учун уч йўналишда олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Биринчи йўналиш бўйича — ер тузувчи мутахассислар тайёрланади. Улар Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, муҳандислари институтида ўқийдилар. Институт кўп йиллардан буён шундай мутахассисларни тарбиялаб етиштириш учун етарли база ва тажрибага эга. Ер тузувчилар асосан республика Ер ресурслари қўмитасида, унинг вилоят ва туман бўлимларида, хўжаликларда ишлайдилар.

Ер тузувчиларнинг асосий иши — ерларни фойдаланилишига қараб гуруҳларга ажратиш, майдонларни ўлчаш, ер кадастрларини ўтказиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатини белгилашдан иборатдир. Бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш бизда яхши йўлга қўйилган.

Иккинчи йўналиш, бу — олий маълумотли, юқори малакали тупроқшунос мутахассисларни етиштириш ҳисобланади. Тупроқшунослар шу пайтгача, асосан, Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланар эди. Республика мустақил бўлганидан кейин вилоятлардаги университетлар ҳам тупроқшунос мутахассисларни тайёрлашга киришдилар.

Тупроқшуносларнинг асосий вазифаси — республика ҳудудидаги тупроқларнинг ҳолатини ва хоссаларини ўрганиш, уларни таснифлаш, унумдорлигига қараб ишлаб чиқариш гуруҳларига ажратиш, тупроқ хариталарини тузиш, вақти-вақти билан тупроқлар кадастрини ўтказиш, уларнинг сифат ва иқтисодий қийматини белгилаш ҳамда энг асосий вазифаси — тупроқ ҳолати, хоссалари ёмонлашишининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигининг ортиб боришини таъминлаш учун доимий мониторинг назоратини ўрнатишдир. Ана шундай муҳим аҳамият касб этувчи мутахассислар ҳозиргача фақат илмий текшириш институтларида, ўрта ва олий ўқув юртларидагина ишлаб келмоқдалар. Ишлаб чиқаришда, бевосита деҳқончиликда эса бирон жойда ҳам тупроқшунос лавозими йўқ.

Тупроқшунос мутахассислардан самарали фойдаланиш мақсадида республика Ер ресурслари давлат қўмитасида, унинг вилоят бошқармаларида, айниқса, туман бўлимларида тупроқшунос лавозимларининг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Университетларни битирган тупроқшунослар ана шундай вазифаларда ишлашлари фойдалидир. Ер тузувчилар ва тупроқшунослар ёнма-ён ишлаб бир-бирларини тўлдирадилар ва бундан тупроқларимиз самарадорлиги ошади.

Учинчи йўналиш — агротупроқшунос ва агрокимё бўйича юқори малакали мутахассислардир. Бундай мутахассислар Тошкент давлат Аграр университетида ва бошқа қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида тайёрланадилар. Улар ўзларининг мутахассисликларидан ташқари, агрономия ва деҳқончилик ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар. Бундай мутахассисларнинг асосий вазифаси — бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд тупроқ хариталари, агрокимё харитограммаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, тупроққа ишлов, сув, ўғит бериш, шунингдек бошқа тадбирларнинг тўғри ёки нотўғрилигини назорат қилиб, шу орқали тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб боришни таъминлаш, ниҳоят деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари кўламида ўғит бериш режасини тўлиқ бажаришни ташкил қилишдир. Бундай мутахассис, фикримизча, албатта, ҳар бир туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишлаши лозим ва тупроққа ишлаб чиқариш таъсирини ижобий томонга йўналтиришни таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир туман бошқармаси таркибида агротупроқшунос ва агрокимёгар лавозими ташкил қилинса, бундан фақат ютамиз.

Хуллас, туман Ер ресурслари бўлимидаги ер тузувчи, тупроқшунос мутахассислар ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бошқармасидаги агротупроқшунос ва агрокимёгарлар ўзаро ҳамкорликда ишласалар, ҳамма жойда ер бойликларимизнинг яхшиланиб боришини таъминлашлари учун шароит яратилади.

**Суҳбатдош:**
**Михли САФАРОВ.**





# ТС-ТЕХНОЛОГИЯ

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони,
"Пойтахт" Бизнес мажмуи,
Ғарбий томон, 2-йўлак,
Офис 29,30
Тел.: 137-72-91, факс: 137-72-92.
Самарқанд шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 222.
Тел.: (3662) 22-09-54, 22-24-75.
E-mail: tstech@tstech.uz

TS TECHNOLOGY

**Оқилона баҳодаги катта имкониятлар**



4670



ASAKA BANK

# "АСАКА" БАНКИ

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШ БАНКИ (ОРБ) БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ**
(хусусий, қўшма корхоналар, давлат улуши 25% дан кўп бўлмаган акциядорлик жамиятлари ва бошқалар)га
ИМТИЁЗЛИ МУДДАТЛАР БИЛАН

**$ 50 000 ДАН $ 3 000 000 ГАЧА МИҚДОРДА КРЕДИТЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Осиё ривожланиш банки шартларига кўра, жиҳозлар, хомашё сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари фақат ОРБ аъзолари бўлган мамлакатлардан кириб чиқиш учун қабул қилинади.**

*Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:*
Тошкент ш., Д.Қунаев кўчаси, 25-а, "Асака" банки (2 корпус).
Телефонлар: (371) 1208394, 1208395, 1208396.

4863


ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

## Илғорларга мукофот

**Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Боёвут туман бўлими ҳафта якуни бўйича энг кўп пахта терган беш нафар теримчига беш минг сўмдан мукофот жорий этди.**

**— Далада астойдил меҳнат қилаётган кишига «ҳорманг» десангиз ҳам оддий эътибордан у қанчалик хурсанд бўлади, — деди банк бўлими бошқарувчиси Жўра Эралиев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мукофот берилса-чи. Албатта меҳнатнинг ўз вақтида муносиб тақдирланиши иш унумига унум қўшади.**

**Бошқарувчининг айтишича, бугунгача банк бўлими пахта йиғим-теримида иштирок этаётган кишиларга 200 миллион сўмдан зиёд нақд пул тарқатди. Иш ҳақининг тушлик маҳали даланинг ўзида берилаётгани ҳам теримчиларга ўнғайлик туғдирмоқда. Туман «Мутлуботсавдо» идораси эса автосавдолар ташкил этган. Теримчилар шу ернинг ўзида рўзғорга зарур нарсаларни харид қилишяпти.**

**Ҳисоб-китоб ишларининг тўлиқ компьютерлаштирилгани илғор теримчиларни тезкорлик билан аниқлашимиз ва уларни ҳафта охирида муносиб тақдирлашимизга имкон беради, — дейди Ж. Эралиев.**

* * *

## Муборак толаси — хорижга

**Муборак пахта тозалаш заводи акциядорлик жамияти шу йил ҳисобидан 500 тонна юқори сифатли пахта толасини Италия, Жанубий Корея ва Швейцария мамлакатларига экспорт қилди.**

**— Бу йилги мавсумда 38 минг 404 тонна хомашё қабул қилиб, қайта ишлашимиз керак, — дейди жамият раиси Анваржон Рўзиқулов «Туркистон-пресс» мухбирига. Ҳозиргача шартномада белгиланган ҳосилнинг ярмидан кўпи омборларга тушди. Хомашёнинг 90 фоизини биринчи навга қабул қилиб олдик.**

**Гарчанд туманда ушбу корхона иш бошлаганига уч йил тўлган бўлсада, олинаётган даромад ёмон эмас. Ишлаб чиқаришнинг қисқа технологияга ўтказилгани тежамкорлик билан ишлашга имкон беряпти. Натижада жамият олинган фойда ҳисобидан ишчилар учун ўнта замонавий, шарқона услубдаги уйларни қуришга киришди. Яқин кунларда бу уйларда уй тўйлари бошланиб кетади.**

**Шошилинч тиббий ёрдам:**

## ИККИ КУНЛИК АНЖУМАН

Мамлакатимизда бундан икки йил аввал ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам марказлари соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Соғлиқни сақлашнинг дунё стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган бу тизим қисқа муддат ичида ўз афзалликларини намоён этди. Айни пайтда мамлакатимизда 89 та биринчи типдаги, 49 та иккинчи типдаги, 33 та учинчи типдаги шошилинч тиббий ёрдам марказлари фаолият кўрсатаяпти. Бу марказлар тармоқнинг ажралмас қисмига айланиш билан бирга ушбу соҳанинг модели вужудга келишига ҳам ёрдам бериши тайин.

Хўш, ушбу марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарасини яхшилаш йўлида яна нималар қилиш мумкин?

Фарғона шаҳрида икки кун мобайнида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ана шу масалага бағишланди. Унда қатнашган олим ва мутахассисларимиз, ҳамдўстлик мамлакатларидан келган соҳа вакиллари бу борадаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, марказлар ишига оид таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар. Йиғинда жами 50 дан зиёд маърузалар тингланди.

Анжуманда Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев, республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров иштирок этди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча лойиҳа-тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар ДИҚҚАТИГА!*

**«Давархитектқурилиш» қўмитасига қарашли пудрат савдо (тендер)ларни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармасининг АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

*капитал қурилишда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, лойиҳалаш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш,сифатини яхшилаш ва қийматини пасайтириш мақсадида 2002 йилда Андижон вилоятида давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қурилиши ва қайта таъмирланиши (реконструкция) режалаштирилган касб-ҳунар коллежлари иншоотлари қурилишига **ЛОЙИҲАЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ** бўйича тендер эълон қилади.*

***Тендер савдолари очиқ савдо бўлиб, унда мулкчилик шаклидан қатъий назар «Давархитектқурилиш» қўмитасининг махсус рухсатномаси (лицензия)га шу йўналиш бўйича эга бўлган лойиҳа ишларини олиб борувчи барча лойиҳа институтлари ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.***

| № | Иншоотлар номи | Йўналиши | Манзили | Қуввати ўқув/ёток |
|---|---|---|---|---|
| | *Янги қурилиш* | | | |
| 1. | Спорт коллежи | Спорт | Андижон ш., Ю.Отабеков к. | 600/200 |
| | *Қайта таъмирлаш* | | | |
| 1. | Ижтимоий касб-ҳунар коллежи *(санъат билим юрти базасида)* | Маданият | Анджон ш. | 600/0 |
| 2. | Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи *(техника лицейи базасида)* | Кичик ва ўрта бизнес | Андижон ш. | 600/480 |
| 3. | Саноат касб-ҳунар коллежи *(миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар лицейи базасида)* | Миллий ҳунармандчилик | Андижон ш. | 600/200 |
| 4. | Саноат касб-ҳунар коллежи *(машинасозлик касб-ҳунар лицейи базасида)* | Машинасозлик | Андижон ш. | 450/140 |
| 5. | Қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи *(3-касб-ҳунар мактаби базасида)* | Қурилиш | Андижон ш. | 600/400 |
| 6. | Саноат касб-ҳунар коллежи *(5-касб-ҳунар мактаби базасида)* | Енгил саноат | Асака тумани | 450/100 |
| 7. | Тиббиёт касб-ҳунар коллежи *(тиббиёт билим юрти базасида)* | Тиббиёт | Бўз тумани | 900/200 |
| 8. | Саноат касб-ҳунар коллежи *(ИВТАН ФА биноси базасида)* | Кимёвий саноат | Булоқбоши тумани | 600/0 |
| 9. | Хонобод комплекс технологиялари касб-ҳунар коллежи *(9-касб-ҳунар мактаби базасида)* | Компьютер, телекоммуникация | Қўрғонтепа тумани | 750/200 |
| 10. | Қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи *(бизнес мактаби базасида)* | Қурилиш | Шаҳрихон тумани | 600/0 |
| 11. | Саноат касб-ҳунар коллежи *(сервиз техника коллежи базасида)* | Миллий ҳунармандчилик | Шаҳрихон тумани | 750/360 |
| 12. | Агросаноат касб-ҳунар коллежи *(агробизнес коллежи базасида)* | Чорвачилик | Марҳамат тумани | 900/600 |
| 13. | Саноат касб ҳунар-коллежи *(11-касб-ҳунар мактаби базасида)* | Енгил саноат | Марҳамат тумани | 600/100 |

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларга эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш Андижон вилоят филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

**Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 214-уй. Телефон/факс: 25-55-23 (мўлжал: «Андижонхўжаролойиҳа» институти биноси 1-қават).**

***Бир тўплам тендер ҳужжатлари нархи 15000 сўм.***

***Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчиси томонидан ҳар куни соат 9.00дан 17.00гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.***

***Савдолар матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун ичида юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.***

4859

# ЯНА ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ КЎРИШГУНЧА...

**Республика Миллий матбуот марказида Бадиий академия ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорликда мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб ўтказган «BIENNALE-2001» Тошкент халқаро кўргазмасининг якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда «Санъат — бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли» шиори остида ўтган мазкур кўргазманинг мақсади, аҳамияти хусусида фикр юритилди.

— «Кўргазманинг Тошкент шаҳрида ўтганлиги айни муддао бўлди», — деди Халқаро ҳакамлар ҳайъати раиси Арно д Оторив (Франция). — Халқаро кўргазмага қўйилган асарлар ўзининг кўп жиҳатлари билан томошабинлар диққатини жалб қила олди. Чунки, ижодкорлар бу асарлар орқали ўз юртининг гуллаб-яшнаётган қиёфаси, хушманзара табиати, оғриқли нуқталари ва муаммоларини акс эттира олишган. Кўргазманинг бундан кейин ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши халқларимиз ўртасида, хусусан, Франция-Ўзбекистон маданий алоқаларининг янада ривож топишида муҳим омил бўлади.

Кўргазмада намойишга қўйилган асарлар халқаро ҳакамлар ҳайъати талаблари доирасида муносиб баҳосини топди. Шунга кўра, олий соврин — «Гран-при» ва диплом ўзбекистонлик мусаввир Жамол Усмоновнинг Оролга бағишланган «Сароб» номли маконни акс эттирувчи лойиҳаси учун берилди. Биринчи мукофот россиялик мусаввир Юрий Павлов-Русяевга, иккинчи мукофот эса голландиялик мусаввир — Рональд Клеерга насиб этди. Шунингдек, ҳакамлар ҳайъатининг «Ҳумо қуши» номли махсус бронза ҳайкалчаси соврини ўзбекистонлик мусаввирлар Вячеслав Охунов ҳамда Леким Ибрагимовларга топширилди. Бундан ташқари кўргазма қатнашчиларининг бир гуруҳига турли ташкилотларнинг махсус соврин ва дипломлари ҳам берилди.

Анжуман ниҳоясида халқаро ҳайъат аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

«BIENNALE-2001» якунланди. Бироқ тадбир доирасида ўтган учрашувлар, анжуманларда қайта-қайта таъкидланганидек, янги яратилажак асарлар ғояси энди туғилади. Муҳими, ижод қилиш, яратиш руҳи сўнмаса бас.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали жаҳон халқлари санъаткорларини мужассам этган улкан ва нуфузли халқаро маданий тадбир экани бугунги кунда бутун дунёда ўз эътирофини топган. Шуниси ҳам қувонарлики, дунё жамоатчилиги қалбидан муносиб жой олган ушбу халқаро мусиқа анжумани янги ташаббусларга ҳам туртки бўлмоқда.**

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТАШАББУСГА УНДАДИ

Хитой миллатига мансуб америкалик машҳур мусиқачи Йо Йо Ма томонидан тақдим этилган «Буюк Ипак йўли» фестивали ташаббуси бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Мазкур фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларнинг маданиятини, хусусан, уларнинг санъатини ўрганиш ва жаҳон узра тарғиб-ташвиқ этиш, инсоният бир-бирини янада яхши, яқиндан билишига хизмат қилиш ҳамда Шарқ маданиятининг Ғарбга бўлган таъсирини кўрсатиб бериш билан изоҳланади.

«Буюк Ипак йўли» фестивали дастурида катта концертлар, фестиваллар ва илмий конференциялар ташкил этиш, бундай тадбирларни Шимолий Америка, Европа ва Осиёнинг турли мамлакатларида ўтказиш кўзда тутилади. Дастурга биноан, икки йил давомида Нью-Йорк, Сиэтл, Берклей, Вашингтон, Чикаго (АҚШ), Торонто (Канада), Амстердам (Голландия), Милан (Италия), Кёльн (Германия), Брюссель (Бельгия), Париж, Лион (Франция), Япония ва Хитойнинг бир қатор шаҳарларида ана шундай мусиқа анжуманларини ўтказиш режалаштирилган.

«Буюк Ипак йўли» фестивалларидан бири 2002 йилнинг январь-февраль ойлари Брюсселда бўлиб ўтади. Дастурга кўра, унда бошқа кўпгина мамлакатлар санъат усталари қаторида ўзбекистонлик санъаткорлар — Муножот Йўлчиева, Норбек бахши, Зиёда Шарипова, Инжигул Собирова ҳамда композиторлар Мустафо Бафоев ва Дмитрий Янов-Яновскийлар иштирок этади.

**«Жаҳон» АА.**




*Нориликлар энди турли хил ташкилотларга иш сўраб узоққа бормайдиган бўлишди. Чунки яқинда мазкур туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Жўжа қишлоғида вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш маркази иш бошлади. Ушбу марказнинг аҳамиятли томони шундаки, унинг воситасида барча қишлоқ аҳолиси вақтинчалик иш билан таъминланиш имкониятига эга бўлади.*

*Марказнинг бир марталик иш билан таъминлаш бўлимининг етакчи мутахассиси С.Худойбердиевнинг таъкидлашича, ҳозирча асосий эътибор ёшларнинг иш билан таъминланишига қаратилмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ҲАҚИҚАТ бор экан

*Ҳуқуқий жамият сари*

***Тажрибали педагог судга мурожаат қилиб шундай хулосага келди***

Бугун катта-катта минбарларда судлар фаолиятининг жамиятдаги ўрни ҳақида алоҳида сўз юритилаяпти. Зеро, демократик жамият қурар эканмиз, фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқларини талаб қилиб судларга мурожаат қилишга одатланишларини муҳим бир қадам сифатида олқишлашимиз лозим.

Илгари бироз бошқача эди. Андиша қилардик. Кўздай қўшни, бирга ишлашган бошлиқ-да, дея ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилмасдик.

Соҳиба Эрназарова ҳам индамай кетаверса бўларди. Негаки, шунча йил ишладим, озми-кўпми ризқимни териб едим, нима қиламан бошимга ғалва орттириб деган, фикр кўнглига келди. Нафақага тайинланишига икки йил қолганда буларнинг барчаси ортиқчалигини ҳис қилди. Аммо у барибир чидаб туролмади. Ноҳақликка, ҳақоратга асаблари дош беролмади. Ахир у тинчгина, билмаганга солиб юрса, жамоадошлари, биродарлари нима деб ўйлайди. Демак, ҳаммасига ўзи айбдор экан, дейишмайдими? Уни ана шу ўй-хаёллар Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди томон етаклади.

У 1995 йил Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар Мурувват уйига ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари этиб тайинланганди.

Илгари ҳам ушбу соҳада ишлаганлиги боис, болаларга, айниқса, норасида, ақли заиф ўғил-қизларга меҳри тушганди. Шунданми, қисқа фурсатда унинг жамоада ҳурмат-эътибори анча ортди. Гарчи, бевосита вазифасига кирмаса-да, вақти-вақти билан болаларнинг овқатланиши, ётоқхона шароитларидан хабар оларди.

Соҳибанинг бу каби куйдипишдилиги негадир мурувват уйи директори У.Асадуллахўжаева ҳамда парҳез ҳамшираси М.Раҳматуллаевага ёқмай қолди. Кечагина жамоада аҳил иш олиб бораётган раҳбарлар бирданига «тўнини тескари кийиб олишди». Ходимлар ҳайрон. Жамоа иккига бўлиниб кетди. Энг ачинарлиси, уларнинг бундай аламзада кайфиятидан меҳрга зор болакайларга азият етгандай бўлди.

Ғишт қолипдан кўчадиган бир пайтда, 2000 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ижтимоий таъминот бошқармасидан текширув ўтказиш учун комиссия келади. Унинг натижаларига кўра, мурувват уйида ўқув-тарбия ишлари бўйича бир қатор камчиликлар аниқланиб, буларнинг пайдо бўлишига ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Соҳиба Эрназарова айбдор қилиб кўрсатилади. Ва у вазифасига «нолойиқ» деб топилади. Бу «оловга ёғ сепгандек» бўлди. Қисқа фурсатда С.Эрназарова буйруқ билан ишдан бўшатилди.

Аслида эса буларнинг бари тушунмовчилик, меҳнат тўғрисидаги қонун-қоидаларни яхши билмаслик ёки беписандлик эди. Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди, судья М.Абдуваҳобова раислигида масалага холис ёндашди. Аниқланишича, бош шифокор 2000 йилнинг 22 декабридаги 73-сонли буйруқда Эрназарованинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимидан озод қилиниши Меҳнат кодексининг қайси меъёрларига асосан ва қандай асосларга кўра амалга оширилганлиги кўрсатилмаган...

Қолаверса, Эрназарованинг ўз лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида хулоса бериш ўтган йилнинг 30 ноябридаги комплекс текширув комиссиясининг ваколат доирасига кирмайди. Комиссия аъзоларининг тузган баёнотларида айтилишича, улар Мурувват уйига амалий ёрдам кўрсатиш ва ҳужжатларни текшириш мақсадида фаолият юритганлар. Комиссия аъзолари, ҳатто С.Эрназаровадан тушунтириш хати ҳам олмаганлар.

Меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмига асосан бекор қилинаётганда иш берувчи ходимни шу корхонанинг ўзида ишга жойлаштириш чораларини кўришга мажбурдир. Агар ходим малакаси етарли бўлмаганлиги учун бажараётган ишига нолойиқ топилганлиги сабабли Меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, унга мутахассислиги бўйича камроқ малакали иш таклиф этилади. У ҳам мавжуд бўлмаган тақдирда корхонада камроқ малака талаб қилувчи ишга таклиф қилинади. Иш берувчи ходимга бошқа иш таклиф этилганлиги ҳақида ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Агар ходим бошқа ишга ўтишни рад қилган бўлса, ундан ёзма равишда ариза олиниши даркор.

Ана шунақа гаплар. Ҳар бир ишнинг ўз йўл-йўриғи, қонунда белгиланган меъёрлари бор. У топталса, норозилик келиб чиқади. Жамоада поракандалик юзага келади. Шундан кейин иш кўнгилдагидек юришади, дейсизми?..

Хуллас, суд Соҳиба Эрназаровани аввалги ишига қайта тиклади. Етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди. Ҳақиқат эгилди, синмади. Аммо кўнгилнинг бир четида хижиллик қолди, қалб ойнасига дарз кетди. Кишини масаланинг ана шу томони ўйлантиради.

**Музаффар НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕН БОЛАМНИ ДЕЙМАН...
## болам боласини

Абдуллажон ака Собировни Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғида яшовчилар нафақат ажойиб ўқитувчи, балки уй ҳайвонлари, турли паррандаларнинг ашаддий ишқибози, ихлосманди сифатида ҳам яхши билишади. Уй шароитида кўпайтириб, таниш-билишларга тарқатган сайроқи қушлар хонадонларнинг эрка арзандасига, болакайлар эрмагига айланган.

Кунларнинг бирида Абдуллажон ака бола очиб чиққан тўтига емиш бериб, сувдондаги сувни янгилади-ю, қафас эшигини ёпишни унутди. Она тўти ташқарига чиқиб кетди. Тор қафасда учишни ҳам унутаёзган тўти беш-ўн дақиқа уй ичида чарх урди. Кейин ҳовли узра қанот қоқди.

У озодликка чиқди. Қанотларини ёзиб-ёзиб ҳаволаниб учди. Дарахт шохларига қўниб-қўниб сайради. Митти кўзлари билан атрофга тўймайин-тўймайин боқди. У энди тутқин эмас эди. Чиройда тенгсиз, нафас олмай узоқ-узоқ сайрашларига ўрганиб қолган. Абдуллажон ака қушнинг ҳар бир ҳаракати, ҳолатини кузатар, уни бир умрга қўлдан чиқариб юборгани алам қилар, изтироб чекарди.

Шу пайт кутилмаган ҳолат юз берди. Тўти бирдан ҳавога кўтарилди. Ҳовли тепасида уч-тўрт бор ҳаволанди ва ўзини яна уйга урди. Бир нималарни чуғирлаганча сим тўрли қафасга қўнди. У ерда полопонлари бор эди тўтининг. Бу ерда онаизордан бир муддат айрилиб қолган қушчалар ингичка, нимжон бўйинларини чўзганча чоратрофга аланглар, унинг иссиқ бағрини қўмсаганча ўз тилларида бўзларди.

Абдуллажон ака қафаснинг очиқ қолган эшигини тополмай потирлаётган қушга яқинлашди, уни эҳтиёткорлик билан ушлаб ичкарига киритди. Очиққан ва учавериб толиққан қуш олдидаги емишларга қараб ҳам қўймади. Нозик қанотларини кенг ёйганча полопонларини яна ўз бағрига олди.

Тамоғига нималардир тиқилган Абдуллажон ака жажжи полопонларини деб яна тутқинликни танлаган қушга лолу ҳайрон тикилиб турар экан, бундан кейин зинҳор қушларни қафасга солмасликка сўз берди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**“MALVIL”МЧЖ** *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

**АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12,24V)**
**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ: ИТАЛИЯ (TELWIN)**







**ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ**
**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР: ИТАЛИЯ (TELWIN), УКРАИНА (SELMA).**
*КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.*

*Тошкент ш., 700000, В.Малясов кўчаси, 3,113-115 хоналар.*
*Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.*
*E-mail: malvil @ operamail.com.*

4792

*ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ* **makita** *КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ ВА ҲАМКОРЛИККА ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.*

КАФОЛАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.



- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК БОЛҒАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР ДРЕЛЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛАР
- ✓ ДИСКЛИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

*БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНДАРТГА МУВОФИҚ*
**makita** *— СИФАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК БЕЛГИСИ.*

Тошкент ш, 700000, В. Малясов К., 3, 113 - 115 хон.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com

4674

## ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

**эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:**

1. *Кардиология ва функционал диагностика — кафедра мудири (т.ф.н., т.ф.д.).*
2. *1-Жарроҳлик — кафедра мудири (т.ф.д.).*
3. *2-Жарроҳлик — кафедра мудири (т.ф.д.).*
4. *Врачлик меҳнат экспертизаси — кафедра мудири, профессор (т.ф.д.).*
5. *Фалокатлар тиббиёти курси — курс мудири (т.ф.н.), ассистент.*
6. *Психиатрия ва психотерапия — кафедра мудири (т.ф.д.).*
7. *Болалар жарроҳлиги курси — курс мудири (т.ф.н.).*
8. *Фармакотерапия ва ўсмирлар касалликлари — кафедра мудири (т.ф.д.).*
9. *Умумий амалиёт врачлари — кафедра мудири (т.ф.д.).*
10. *Оториноларингология — профессор (т.ф.д.), ассистент.*
11. *Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш — профессор (т.ф.д.).*
12. *Соғлом турмуш тарзи фалсафаси ва тиллар — катта ўқитувчи.*
13. *Педиатрия ва функционал диагностика — 2та ассистент.*
14. *Болалик даври анестезиологияси ва реанимацияси — ассистент.*
15. *Ультратовуш диагностикаси — ассистент.*
16. *Тери-таносил касалликлари — ассистент.*
17. *Неврология ва рефлексотерапия — ассистент.*
18. *1-Стоматология — ассистент.*
19. *Педиатрия ва болалар овқатланиши — ассистент.*
20. *Клиник лаборатор диагностика — ассистент.*
21. *Эндокринология — доцент (т.ф.н.).*

**Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 68-27-54, 68-22-16.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51.**

**Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 1 ой давомида қабул қилинади.**

4877





# Бармоқлар панд берди

Перулик уч нафар ёш йигит гитарада мусиқа чалиш бўйича «қаҳрамон» бўлишди. Улар ушбу мусиқа асбобида 55 соат куй чалишиб, (ҳар соатда 10 дақиқа дам олишган) томошабинларни лол қолдиришди. Бу «марафон» янада узоқроқ давом этиши мумкин эди, лекин навбатчи шифокор уни тўхтатиб қўйди, чунки мусиқачиларнинг бармоқлари қонга беланиб кетганди.


**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Даварxитектқурилиш» қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ**

***Навоий шаҳридаги 825 ўқувчига мўлжалланган академик лицей ва 400 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилиши учун***

**ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Буюртмачи: *Навоий вилояти ҳокимлигининг Академик лицейлар қурилиши дирекцияси.***

*Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.*

*Танлов савдосида қатнашувчилар тендер ҳужжатларини олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида мурожаат қилишлари мумкин.*

*Офертаалар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кейин очилади.*

**Бизнинг манзил: Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32, тел./факс 225-53-85.**

4876


Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг GEF агентлиги жамоаси агентлик раҳбари Рим Гиниятуллинга падари бузруквори **Абдулла ГИНИЯТУЛЛИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг масъул ходими Пўлат Бобомуҳамедовга укаси **Суръат БОБОМУҲАМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Драма ва кино санъати» кафедраси ўқитувчиси, «Театр санъати» факультетининг декан муовини Замира Аҳмедованинг волидаи муҳтарамалари **Асия ШОКИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси жамоаси Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF лойиҳаси агентлиги раҳбари Рим Гиниятуллинга отаси **Абдулла ота ГИНИЯТУЛЛИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ. Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ. Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.45*
1 2 3 4 5 6